6

**Нефт махсулотларини етказиб бериш хакидаги**
**Ш А Р Т Н О М А**

"10" 01 2022 й. № 49 Навоий шахри

"Махсулот етказиб берувчи" деб аталувчи "Навоий нефт базаси"масъулияти чекланган жамияти номидан унга 2021 йил 30 декабрда берилган 01-12/01-1507-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Сотиш бўлими бошлиги Г.Эсанов бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи Нурота Туман тиббиёт бирлашмаси номидан Ш.Б. Халилов асосида иш юритувчи ______ иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

**1.1.** "Махсулот етказиб берувчи" "Истеъмолчи"нинг буюртмасига мувофик тегишли русум ва микдордаги нефт махсулотларини етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса нефт махсулотлари учун олдиндан хақини тўлаб кабул килиб олиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олади.

**1.2.** Етказиб бериладиган нефт махсулотлари микдори, бахоси ва муддатлари қуйидаги жадвалда белгилаб қўйилади.

| Махсулотнинг номи | Ўлчов бирлиги | **Нархи** (кўшимча киймат солиғи билан) | Микдори | Суммаси | Етказиб бериш даври |
|---|---|---|---|---|---|
| АИ-80 | тн | 9688761 | 5,970 | 57841903,17 | |
| ДТ ЭКО | тн | 11810027 | 0,200 | 2362005,4 | |
| | | | | | |

## 2. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

**2.1.** "Махсулот етказиб берувчи"нинг хисоб рақамига "Истеъмолчи"нинг буюртмаси ва унда етказилишни сўралган нефт махсулотлари учун олдиндан 100 фоиз тўловлар келиб тушгандан сўнг нефт махсулотлари етказиб берилади.

**2.2.** "Истеъмолчи"да нефт махсулотларини саклаш учун идоравий нефт омбори хамда нефт махсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт махсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш оркали етказиб берилиши мумкин. Бундай холларда махсулотни топшириш ва кабул килиш "Махсулот етказиб берувчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Махсулот "Махсулот етказиб берувчи"нинг омборидан "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт хужжатлари расмийлаштирилган сана "Махсулот етказиб берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади. "Истеъмолчи"нинг махсус автотранспорт воситаси ва сиғими "Хавфли юкларни ташиш қоидалари"га хамда 1510-84 сонли Давлат стандарти шартларига мувофик жихозланган бўлиши лозим. Акс холда автотранспорт воситалари нефт омбори худудига киритилмайди ва уларга нефт махсулотлари куйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг буш келиб-кетиши учун "Махсулот етказиб берувчи" жавобгар бўлмайди.

**2.3.** Нефт махсулотлари "Истеъмолчи"га унинг вакили кузатувида "Махсулот етказиб берувчи"нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, автосигим копкоги ГОСТ 1510 асосида "Истеъмолчи" вакилининг талабига мувофик тамғаланади. Махсулотни топшириш ва кабул килиш "Махсулот етказиб берувчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Товар-транспорт наклиёти расмийлаштирилган сана "Махсулот етказиб берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

**2.4.** Нефт махсулотлари "Махсулот етказиб берувчи"га тегишли бўлган ёнилги таркатиш шахобчаси оркали етказиб берилса, бунинг учун "Истеъмолчи"нинг ишончномасига мувофик махсулотни ёкилги таркатиш шахобчасидан олиш тўгрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан ёнилги таркатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шахобча оператори ўз навбатида таркатиш варакаси юритади. "Истеъмолчи" вакилига берилган махсулот микдори таркатиш варақасига киритиб борилади. Таркатиш варақасида "Истеъмолчи"нинг вакилининг махсулотни микдоран тўлик олганлиги тўгрисида имзо қўйилган сана, «Махсулот етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

**2.5.** «Харидор»нинг вакили нефт махсулотларини олаётган вактда махсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади. Махсулот юкланган автотранспорт воситаси "Харидор" вакили кузатувида "Махсулот етказиб берувчи"нинг нефт омбори худудидан чиқарилгандан сўнг махсулот микдори ва сифати бўйича жавобгарлик ва махсулотга эгалик хукуки, тасодифий нобуд бўлиши, нефт махсулотларига зиён етиш хавфи "Харидор" зиммасига ўтади. "Харидор" вакили кузатувида олиб кетилган махсулот микдори ва сифати бўйича эътироз қабул қилинмайди.

## 3. ЎЗАРО ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

**3.1.** Шартноманинг умумий суммаси 60203908,57 сўмни ташкил қилади.
-тўловлар қуйидаги манбалардан амалга оширилади:
Бюджет маблағлари хисобидан 60203908,57 сўм;
Махсус хисоб рақамдан ______ сўм.

**3.2.** Ушбу шартнома махсулот етказиб бериш ва ўзаро хисоб–китоблар учун асос бўлади.

**3.3.** Бюджет ташкилотларига, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига ва пахта-тўқимачилик кластерларига, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Тошшахартрансхизмат" АЖ, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналари (истеъмолчиларнинг айрим тоифалари)га дизел ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) ўрнатилган тартибда биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларида сотилади.

**3.4.** Ушбу шартноманинг 3.3. бандида назарда тутилган айрим тоифадаги истеъмолчилардан ташқари бошка истеъмолчиларга махсулот етказиб берилиши санасида нефт базада шаклланган сотиш нархида махсулот етказиб берилади.

**3.5.** "Истеъмолчи" нефт махсулотларининг харид қилинадиган партияси учун хақини олдиндан 100 фоиз микдорда «Махсулот етказиб берувчи»нинг хисоб-рақамига тўлайди. Олдиндан тўлов пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Пул маблаги "Махсулот етказиб берувчи"нинг хисоб ракамига келиб тушгач махсулот етказиб берилади.

**3.6.** Мазкур шартномада шартнома тузилиши жараёнида ва санасида амалда бўлган нархи қўлланилган бўлиб, ўзаро хисоб китоблар махсулотни "Истеъмолчи"га етказиб берилиши санасида амалда бўлган нархларда амалга оширилади.

**3.7.** Хар ойнинг якуни бўйича ўзаро хисоб китобларни таққослаш учун "Истеъмолчи" вакилини "Махсулот етказиб берувчи"нинг хузурига юборади. Якуний хисоб китоблар учун счет-фактура асос бўлади.

## 4. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

**4.1.** «Махсулот етказиб берувчи» «Харидор» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефтмахсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт махсулотларининг сифатига оид маълумотлар махсулот етказиб берилиши жараёнида тақдим килинадиган сифат паспортида қайд этилади. Махсулот Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши лозим.

**4.2.** Нефт махсулотларини олишда«Харидор» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш хуқуқига эга.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

**5.1.** Агар етказиб берилган нефт махсулотларининг сифати, ассортименти, навлари стандарт техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, «Махсулот етказиб берувчи» сифати зарур даражада бўлмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

**5.2.** Нефт махсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлик етказиб берилмаган тақдирда «Махсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»ка кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеннинг умумий суммаси етказиб берилмаган нефт махсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

**5.3.** "Истеъмолчи" га етказиб берилган нефт махсулотларини танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда махсулотни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун "Истеъмолчи" "махсулот етказиб берувчи"га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) махсулотлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Махсулотлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, "махсулот етказиб берувчи" жарима ундиришдан ташқари, ушбу махсулотлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган холда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) махсулот лар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

**5.4.** Етказиб берилган нефт махсулотлари учун ўз вактида хақ туламаганда «Истеъмолчи» «Махсулот етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

**5.5.** Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга хамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

**5.6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-кисм в) бандига мувофик:

- хар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва хар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган холда, хар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки хар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк хуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.
- бир тараф коррупцияга карши амалдаги қонун хужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Сиёсат ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган холда бу Шартномани бекор қилишга хақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган хисобланади. Бундай холда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

## 6. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

**6.1.** Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий холатлар (уруш холати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган холатлар содир бўлганлиги, шунингдек Қонун ва қонун ости хужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги хужжатлар асосида исботланса жавобгарлик санкциялари қўлланилмайди.

**6.2.** Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор холатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

**6.3.** Форс-мажор холатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки туман (шахар)лар хокимликлари хузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч холатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача хал этиш чора-тадбирларини кўрадилар

## 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

**5.1.** Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, тарафлар қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар, жумладан ёзма тарзда эътироз хати юбориш шарт. Узоғи билан бир ойлик муддат ичида эътироз хати рад этилса ёки эътироз хати жавобсиз колдирилса келишмовчилик ва низолар жавобгар жойлашган жойдаги иқтисодий судда хал қилинади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

**6.1.** Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги, ғазначилик бошқармаси (бўлими)да қайд этилиши шарт бўлса, ғазначиликда рўйхатдан ўтказилган санадан юридик кучга киради ва 2022 йил 31 декабр кунининг якунига қадар амалда бўлади.

## 7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

**7.1.** Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин. Шартнома қонун ва қонун ости хужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бир томонлама "Махсулот етказиб берувчи"нинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.

**7.2.** Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади.

**7.3.** Шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларда бир нусхадан сақланади ва иккала нусхалари хам тенг юридик кучга эгадир.

## 8. Томонларнинг юридик манзиллари, банк реквизитлари ва имзолари:

| "Махсулот етказиб берувчи" | " Истеъмолчи" Нурота Т.Т.Б |
|---|---|
| Навоий шаҳри, Лермонтов кўчаси 4 уй | Манзили: У. Юсупов №32 |
| Х/с: 22604000000306107702 | |
| "АТБ "Саноаткурилишбанк Тошкент шаҳар Яшнобод филиали | Тел. раками: 79-52.3-11-40 |
| МФО: 00432, СТИР:200002538 | Х/с: 100022860122387073101054001 |
| Тел. рақами: Сотиш бўлими78-770-36-43; | Марказий банк Тошкент (хизмат кўрсатувчи банк номи) |
| Бухгалтерия 78-770-34-04. | МФО: 00014 |
| ________ Ғ.Эсанов | СТИР: 200030986 ХХТУТ: ________ |
| (имзо) (Ф.И.О.) | М. Халилов (имзо) (Ф.И.О.) |
| М.У. | М.У. |
| Бухгалтерия ________ | |
| Сотиш бўлими ________ | |
| Юридик бўлим ________ | |

SHARTNOMALAR VA DALOLATNOMALAR UCHUN
"UZBEKNEFTGAZ" AJ "NAVOIY NEFT BAZASI"